

ПАХТАМИЗНИНГ БИР ГРАММИ ҲАМ НОБУД БУЛМАСИН

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 226 (3708).

16

НОЯБРЬ
ПАИШАНБА

1967 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ XI ЧАҚИРИҚ IV СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област Советининг XI чакіриқ IV сессияси бўлиб ўтди. Сессия област план комиссиясининг раиси депутат Р. Ғ. Гафуровнинг «Халқ хўжалигини ривожлантириш 1968 йил давлат плани ва 1969—1970 йилларда област халқ хўжалигини ривож-

лантириш планини тўғрисида» ва област молия бўлимининг мудири депутат Я. К. Элчибековнинг «1968 йилги маҳаллий бюджет ва 1966 йилда област маҳаллий бюджетининг бажарилиши тўғрисида»ги докладларини муҳокама қилди.

Меҳнаткашлар депутатлари област Совети бюджет-молия

доний комиссиясининг қўшима доклади ҳам тингланди. Бу ҳақда комиссия раиси депутат В. М. Муҳамедов доклад қилди.

Докладлар юзасидан музокара-лар бўлди.

(Сессия ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг келгуси сониди эълон қилинади).

МИЛЛИОНЛАР ДОРИЛФУНУНИ

Партия маорифи системасида янги ўқув йили бошланди. Халқ хўжалигининг ҳам-ма соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган миллионларча коммунистлар ҳамда партиясиз-лар планли ва системали ра-вишда олиб бориладиган маш-гулотларга фаол қатнашадилар, ўқувларининг сиёсий ва на-зарий билимларини тағин ҳам кенгайтирадилар.

Коммунистик партия ва Со-вет давлатининг асосчиси улуғ В. И. Ленин, биз илзозиялар ва хомхаллар яратётганимиз йўқ, биз илмий ва материал-стик негизга қурилаган янги жа-миятни яратини иши билан шу-ғулланаямиз, деган эди. Биз-нинг мақсадимиз — коммунизм куриш, ғоявий қуролимиз эса марксизм-ленинизм таълимоти-дир. Марксча-ленинча таъли-мотни кунг билан ўрганиш ҳам-да унга ҳамisha амал қилиш коммунистик жамият куриш-нинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Чунки бу ҳаётбахш ҳамда го-либ таълимот инсоният тўпла-ган бой билимларга таанган ҳолда, дунёни тўғри тушуниш-га ёрдам беради, унинг ўзгариб-ва янгиланиб бориши йўллари-ни курастайди, иктамий ҳаёт воқеаларига сиёсий нуқтаи на-зардан баҳо бериш ва амалий ҳулоаслар ясашга ўргатади. Со-вет Иттифоқи, қарош со-циалистик мамлакатлар, жаҳон коммунистик ҳаракати эришган барча галабалар Маркс, Эн-гельс, Ленин таълимотининг зафарли байроғи остида қўлга киритилди.

Ленинчи Коммунистик пар-тиясининг ҳар бир аъзоси револуцион назарияни доимо кунг билан ўрганиб келган ва ҳозир ҳам ўрганиб боради. Бу эса энг муқаддас, ленинча анъана-дир. Аммо замон бир жойда-тўхтаб қолмайди, у ҳамisha ол-га боради, ўзгаради, янгиланиб-туради. Шунга яраша одамлар-нинг дунёқараш ҳам диний-ийги билимлар билан тобора бойиб бо-ради. Ҳозирги давр ҳам комму-нистлардан голийи-назарий би-лимни янада кенгайтириш бори-ши ва замонага, шароитга мос-лаб иш тутишни талаб қилмоқ-да. Коммунистлар ҳар қандай шароитда ҳам марксизм-ленин-изм таълимотига содиқ бўлиб-қоладилар, бу улдуввор ва ҳаёт-бахш таълимотни кенг тарғиб-қиладилар, замона руҳи билан-ун бойитиб ва икюдий тарзда-ривожлантириб борадилар.

Партия маорифи шохобча-ларидаги ўқув йилда жиддий ма-сала бўлиб, у ҳамisha партия ташкилотларининг диққат мар-казида турибди. Области-нинг партия ташкилотлари янги ўқувга ҳар қачонгидек бу йил ҳам пухта тайёргарлик қўри-лар ва уни ушшоқлик билан бошлаб юбордилар. Партия ўқу-вининг КПСС Марказий Коми-тети томонидан ишлаб чиқилган янги системаси ҳаёт тажриба-сидан ўтиб, коммунистлар ва партиясиз активларнинг тўла маъқуллашга сазовор бўлди. Бошланғич сиёсий мактаб, марксизм-ленинизм асослари мактаби, кечки университетлар, партия-хўжалик актив макта-би, семинарлар каби ўқиш фор-малари ана шу системанинг асосий тармоқлари бўлиб қол-ди. Бундай система ҳозирги иктамий ҳаётнинг муҳим та-

лабларига тўлиқ жавоб беради, кишиларда бир бутун илмий дунёқарашни шакллантириш учун кенг имкониятлар ярат-ди. Партия ўқувининг бу хил шакллари областимизнинг кол-хоз ва совхозларида, қуришни ва транспортда, муассаса ва ташкилотларида, ўқув юрлари ва мактабларида, ҳамма соҳа-ларида кенг тармоқ отган.

Области-мизда бу йилги ўқув йилида мактабларда 120 минг-дан ортиқ коммунист ва партия-сизлар шугулланади. Жойларда 152 та сиёсий маориф кабинет-лари иш олиб боради. Шулар-дан 37 таси штатли бўлиб, 115 таси жамоатчилик асосида иш-лайди. Бу йил 8 мингта яқин киши пропагандист, консуль-тант, лектор, семинар раҳбари сифатида иш қўради. Булар-нинг 80 процентдан кўпи олий ва тўлиқсиз олий маълумотли кишилардир.

Янги ўқув йили муносабати билан областимизнинг партия ташкилотлари бир қатор ишлар-ни амалга оширдилар. Аввало мактаблар ва семинарларга ўқувчиларни кенг жалб этишга ҳамда пропагандист кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор бе-рилди. Шуниси диққатга сазо-ворки, пропагандист кадрлар со-ни яхши тайёргарлиги бўлган раҳбар ходимлар, тажрибали мутахассислар, олимлар ҳисоби-та бирмунча кенгайди. Кўпчи-лик пропагандистларимиз мах-сус курсларда, семинарларда, турли кенашларда фаол қатна-шиб, ўз билим ва маҳоратлари-ни оширдилар. Ўқув программалари, дарсликлар, методик қў-ланмалар тайёрлаш ва нашр этиш соҳасида ҳам талайгина ишлар қилинди.

Партия маорифи системасида ўқувни намунали йўлга қўйиш учун энг муҳим зўр ушшоқ-лик, машгулотларни юксак го-лий-назарий савияда олиб бо-риш, ўқувнинг таъкирчанлиги-ни ошириш керак бўлади. Бун-да жойлардаги партия ташки-лотлари катта роль ўйнайдилар. Улар партия маорифи шохобча-ларида ўқувнинг боришини мунтазам равишда кузатиб ту-ришлари, пропагандист кадрлар-га эътиборини қўйишлари, бу соҳадан камчиликларга ўз вақтида барҳам беришлари до-зим.

Ўқувчи мазмуни, қизиқарли ва жойли тарзда олиб бориш қўл жинахда пропагандистинг маҳоратига боғлиқ. Чўқур би-лимга, машгулотларни юксак савияда олиб бориш маҳорати-га эга бўлган пропагандистлар тажрибасини кенг оималашти-риш керак. Партия маорифида ўқувни кундалик турмуш билан мустаҳкам боғланган ҳолда олиб борилай. Шунга эришай-ликки, бизнинг кадрларимиз ҳар томонлама пухта билимга эга бўлсинлар, дунёда энг ил-гор, револуцион таълимот бўли-ми марксизм-ленинизм таъли-мотини чуқур эгаллаб олсинлар, янги жамият қурилишида бу ҳаётбахш таълимотдан икюдий тарзда, моҳирона фойдалана би-лиш санъатини эгалласинлар.

Партия маорифи — идеоло-гия соҳасидаги ишмизнинг аж-рамас, тарбиявий қисми ҳисоб-ланади. Бу иш билан мунтазам шугулланиш — ҳаммамизнинг жонажон бурчимиздир.



Области-миздаги пеп-қадам хўжаликлар-нинг аъзолари далада қолган ҳосилни тез-роқ, нобуд қилмай йн-ғиб-териб олиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқда-лар. Бундай колхоз-ларда кўрак териш ва чувиш машиналари тўхтовсиз, унумли иш-ламоқда. Даладар ҳо-сидан тўла товалан-моқда. Ишни ана шун-дай конвейер усулида ташкил этган жойлар-да пахта топириш су-рьати талабга жа-воб берадиган бўлаёт-ир. Суратда: Оққўрғон районидаги «Озод» колхози даладарда кўрак териш машина-си ишлаётганини кўриб турибсиз.

Қ. Розиков фотос.
«ЭТАГ»
фотохроникаси.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ТАШАББУСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР САНОАТ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ В. И. ЛЕНИН ТУГИЛГАН КҮННИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КҮТИБ ОЛИШ ВА БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН «3 ЗИММАЛАРИГА ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Тошкент шаҳар саноат корхоналари коллективларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ва беш йил-лик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошлаган ташаббусини маъқуллади.

Област, шаҳар ва район партия комитетлари-га, Ўзбекистон Касаба союзлари советига, бошлан-ғич партия ташкилотларига меҳнаткашларнинг бу ватанларларини ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг тарғиб этиш, 1968 йил планларини ва беш йилликнинг шундан кейинги йиллари планларини бажаришга меҳнат аҳлини сафарбар этиш юзаси-дан ишларни кучайтириш тақлиф этилди. Шу-нингдек, ишлаб чиқариш фондларидан фойдала-

нишни ҳар томонлама лхшилаш, саноат махсу-лоти ишлаб чиқаришни қўлайтириш, янги техн-ика ва илгор технологияни жорий этиш, махсулот сифатини кўтариб, таннархини эрозлаштириш, хом ашё, ёнгил ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш тақлиф этилди.

Газета редакцияларига, Ўзбекистон ССР Ми-нистрлар Советининг Радиозиттириш ва теле-видение давлат комитетига Тошкент шаҳар саноат корхоналари меҳнаткашларининг беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари ба-жариш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошла-ган ташаббусини кенг пропаганда қилиш топ-ширилди.

нинг самараси ва рентабеллиги кўтарилади;

— саноат корхоналарининг кадрларга аҳтисияни қондир-моқ мақсадига курсларда ўқи-тиш йўли билан ҳамда профес-сионал-техника таълими ўқув юрларида малакали ишчилар тайёрланади;

— корхоналарини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги систе-масига ўтказиш юзасидан тайёргарли ишлари кучайтири-лади ва бу иш асосан 1968 йил-да тугалланади.

Маиший хизмат қўрсатиш корхоналари ходимлари беш йилликнинг охири йилида аҳо-ли жон бошига қўрсатиладиган хизмат миқдорини 30 сумгача оширадилар. Шу мақсадда улар аёллар, эркаклар ва хот-ин-излар пойфазалининг 500 янги хилини ишлаб чиқаришни ўзлаштирадилар, маиший хиз-матнинг яна 50 турли жорий этилади, 400 та технология у-суна ишга солинади. 2200 ма-лакали ишчи тайёрланади.

Тошкент шаҳрининг меҳнат-кашлари Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитетининг таъбирлигига КПСС XXIII съезди ҳамда партия Марказий Комитети шундан кейинги Пле-нумларининг қарорларини ба-жариш учун социалистик мусо-бақани янада авж олдирадил-лар ва мамлакатимизда комму-низмнинг моддий-техника база-сини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадилар.

ХАЛҚ КОНТ- РОЛИ АМАЛДА

Пахта — халқ бойлиги. Батан бойлиги! Унинг ҳар бир милли-олтин билан баравар. «Оқ ол-тин»имиз шу қадар азиз, шу қад-дар қимматбах! Пахта етиштириш-ниятида деҳқонларимиз йил ўн-икки ой елиб-югуришди, маржон-маржон тер тўниб меҳнат қилиш-ди, ҳар туп гўзанинг тепасида парвона бўлишди.

Шуниси қувончлики, Улуғ Ок-тябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил кураш-ган пахтакорларимиз ана-Ватани-мизнинг «оқ олтин» хирмонини бойитишда жуда катта ва жуда шарафли ишлар қилдилар. Облас-тимизнинг ҳамма районлари ва деярли ҳамма хўжаликлари пахта-сотиш юзасидан берилган давлат топшириқларини ортиғи билан адо этишди. Бунинг учун меҳнат-каш деҳқонларимизга ҳар қанча раҳмат айтсак арийдик.

Ленин, кейинги кунларда кўп-чилик жойларда олтиндан ҳам азиз пахтадан несинобуд қилиш, пахтазорга мол қўйиб юбориш сингари хунуқ воқеалар содир бўлмоқдаки, бу жуда ачинарли ҳоллар. Кўпчилик хўжаликларнинг раҳбарлари, участка ва звено бошлиқлари «Планини дундириб

«ОҚ ОЛТИН»НИ ОЁҚ ОСТИ ҚИЛМАНГ!

қўйди-ку, бўлди-да энди!» деган дотўғри кайфият билан дўппилар-ни яримта қилиб, бамайхотир юрибдилар. Ваҳоланки, халқ да-да пахта кўп, Чаман-чаман очил-диб ётган пахтазорларнинг ёнидан ўтиб кетаётиб, несинобуд бўлаёт-ган пахтазорга юракларни ачинас-чи уларнинг!

Ўтказилган текширишлар нати-жасида бир қанча жиддий камчи-ликлар очиб ташланди. Масалан, Оққўрғон районидagi хўжаликлар-ни олиб қўрайлик. Ўртоқ Э. Ние-зов раислик қилаётган Куйбисhev номи колхоз пахта тайёрлаш-планини анча ошириб бажарган. Аммо, далада ҳали пахта кўп бў-лишига қарамастан, кейинги пайт-дада йилгитерим нийохтада су-сайиб юрибдилар. Ишчи ку-чаларини дигим-теримга тўла сабаб-дар этишга жиддий эътибор қи-лимимиз. Бунинг устига-устай хўжаликнинг бирмунча жойларида «оқ олтин» оёқ ости қилинган! Колхознинг ўртоқ Т. Утаминев бошлик звеносида чидаб бўлайдиг-ан аҳволга йўл қўйилган. Бу ер-да ҳали пахта си териб олинмаган пайкаларга мол ейиб юбориш ҳоллари учрайди. Халқ контроли ходимлари текшириш ўтназган ку-рамош уч гектар ердаги пахтадан яна звено даласида ўн бош қорамол

пахтани пайхон қилиб юрганнинг гувоҳи бўлишган. Бундан ташқари звенода гўзани пахта си билан юлиб олиш ҳоллари ҳам учрайди. Халқ назоратчилари ярим гектар ердаги гўза пахта си билан юлиб олганилигини аниқладилар.

Колхознинг ўртоқ Чинталев бошлик звеносида ҳам пахта пай-каларига мол ейиб юборилган. Бу ҳар иккала звено даладари колхоз правленесининг шундай атрофига жойлашган. Наҳотки, хўжалик раҳбарлари бунга қўра-билатуриб, уларнинг қўрмаганга солиб кета беришса?

Хўжаликда мавжуд 431 ишчи кучидан 11 ноябрь куни бор-йўғи 127 киши теримга чиққан. Еттига кўсак чувиш машинасидан утаси, олтига кўрак тозалаш машинаси-дан бештаси ишлаган. Бунинг у-стига уларнинг иш унуми нийохта-да паст бўлган.

Оққўрғон районининг милиция бўлими ходимлари бу колхозда пахта қўбугдарчилигига йўл қўй-лаётганини илгари ҳам аниқлаб, оғоҳлантирган эдилар. Ленин, ке-йинги кунларда ҳам бу аҳвол да-вом этирилди. 9 ноябрь куни хў-жаликнинг 6-звеносида 20 бош қо-рамол уч гектар ердаги пахтадан пайхон қилган. Ўртоқ Э. Ниезов,

халқ бойлигининг бунчалик неси-нобуд бўлиш далилларига нима дей-сиз?

Районнинг «Лениннам» колхоз-даги В. Рахмолов бошлик участ-касида, Свердлов номи колхозда-ги 14-звенода, «Оққўрғон» совхо-зининг 5-бўлимида ва бошқа «қў-чилик жойларида пахта си оёқ о-сти қилиш ҳоллари учраб турибди. Район раҳбарлари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директо-ри,

мутахассислар бу аянчли аҳ-волларга дарҳол барҳам бериш-лари зарур.

Пахтакор ўртоқлар! Пешана те-ри, билас кучи, қаб қўри билан етиштирилган «оқ олтин»нинг би-рор мисқодин ҳам ерда қолдир-май, йилгитерим олайлик. «Оқ олтин» увор бўлмасин! Пахтанинг олтида меҳнат активлигини т-тин ҳам оширайлик!




РАИС — Биз саҳий одамлармиз, марҳамат...
М. Воробейчиков чизган расм.

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 15 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МА Ё Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	бир кувда	мавсум бошидан бери	Машина терими	
			Бир кувда	мавсум бошидан бери
ОҚҚҮРҒОН	0,17	119,60	0,14	135,89
БҲКА	0,29	118,47	0,14	142,21
ЎРТА ЧИРЧИК	0,37	115,15	0,14	133,79
ЮКОРИ				
ЧИРЧИК	0,46	114,66	0,16	146,67
ЯНГИЙҮЛ	0,19	114,10		129,48
ОРЖОННИКДЗЕ	0,41	107,82	0,24	98,27
БЕКОБОД	0,33	101,75	0,09	106,59
ОБЛАСТЬ БҲИЧА:	0,28	114,52	0,15	131,10



Куёслари илмий ва инженер-техник кадрлар таёрлашни ташкилловчи олий ва ўрта техника юз юртлари системасининг мавжудлиги СССРда илмий-иқтисодий-техник замирига нисбатан муҳим аҳамият касб этади. Совет Иттифоқи инженер-техник кадрлар сови ҳақиқатан ҳаёотда илмий ўйинда турди. СССРда илмий инженерлар АҚШдагига қараганда икки баравар кўпдир. Бу эса илмий-тадқиқот фаолияти юз ҳар қандай бошқа мамлакатларига нисбатан кўпроқ мутахассислар ажратиш имизига имкон беради.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ ДЕКАДАСИ САНЪАТКОРЛАР ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Шу кунларда областимиз шаҳарларида Улуғ Октябр социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси ўтказилмоқда. Шоярлар, санъат аҳли, кино артистлари учрашуларда ўз ижодлари, келажак режиссёрлар билан ўртоқлашмоқда. Кинотеатрларда «Ўзбекфильм»нинг энг яхши картиналари кўрсатилмоқда.

Чирчиқ шаҳридаги Навоий кинотеатрида «Наташа» фильми намойиш қилинмоқда. Бу ерга ана шу фильм ижодкорлари томошабинлар билан учрашган келиди. Картина режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Л. Файзиев фильмин яратиш жараёнини сўзлаб берди. Бу ролларни ижро этган СССР халқ артисти Р. Пирмухамедов, У. Алихўжаевлар образини яратиш устиди қандай ишлаганликлари, келажакдаги режиссёр билан ўртоқлашди.

Янгийўлда ҳам бўлиб ўтган учрашув томошабинларга манзур бўлди. Р. Пирмухамедов, С. Хўжаев, Т. Азизов, Р. Ботировлар сўхбатини ҳамма қизиқиш билан эшитди, саволларига жавоб оиди. Сўнг «Мафтунигман» фильмин кўрсатди.

Кинотеатрлар ва санъаткорлар декада кунлари Янгийўлда, Олмалиқ, Бенобод ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлишди, томошабинлар олдида ижодий ҳисоб берадилар. СССР халқ артисти Олим Хўжаев, Ўзбекистон ССР халқ артисти Раззоқ Хамроев, республикада хизмат кўрсатган артистка Ойдин Норбоева ва бошқалар асарлардан парчалар ижро этишди.

Декада кунлари областимизнинг кўпгина шаҳар ва районларида «Ўзбекфильм» киностудияси яратган фильмлар намойиш этилди. «Осиё устида бўрон», «Улутбек юлдузи», «26 — отилмасин», «Дорбоалар» ва бошқа картиналар кўрсатилди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.



КАЛИНИН район Юнусобод қишлоқ советидаги 54-озик-овқат аҳоли мамнуа. Айниқса, намунали савдо хизмати кўрсатаётган М. Саид. Суратда: магазинда савдо пайти.

„БАҲОР“ БИЛАН УЧРАШУВ

Бу кеча Янгийўлда меҳнат-нашлар хотирада узоқ қолди. Улар шаҳар маданияти уйда «Баҳор» ансамблининг янги программасини Ўзбекистонда биринчи бўлиб кўрсатди. «Баҳор» ансамбли бу программани Москвада ва Венгрия Халқ Республикасида Ўзбекистон маданияти кунларида кўрсатган эди.

Тошкент областида ўтаётган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ҳафталигининг программасига «Баҳор» ансамблининг ижодий ҳисоботи киритилган. Ботир Зокиров раҳбарлигидаги эстрада оркестри Оққўрғон районидagi Димитров номидаги кўлхоз деҳқонлари янги концерт программасини кўрсатди. Алишер Навоий номида катта академик опера ва балет театрининг етакчи артистлари Юсуп Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозининг меҳнаткашларига ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Ҳафталик кунларида пойтахт областининг клублари, маданият

КҮНСЕРИАЛИ КИНОПОЛОТНО

Улуғ Октябр революциясининг шонли ярим асрлик юбилей арафасида бу йилги ҳамма мукофоти лавреатлари эълон қилинди. Бу кунларда фотта сазовор бўлган ижодкорлар орасидан танли киносериал жюри «СССР халқ артисти Комил Ерматов ҳам бор.

Советлар санъаткор совет кино хазинасига муносиб дурдона бўлиб қўйилган «Осиё устида бўрон» фильми учун бу лавреатни олишга мўяссар бўлди. Бундан бир неча ой муқаддам К. Ерматов янги фильм яратишга киришган эди. Тарихий темага бағишланган «Ичкилоб қавандозлари» номида бу экран асари «Осиё устида бўрон» фильмининг мантейи давомидеа бўлди.

«Ўзбекфильм» киностудияси ўзбек халқининг босиб ўтган шонли тарихий йўлига бағишлаб кўпсерияли кинополотно яратишга ҳам буюлди. Юсуп Чирчиқ айтди: «Осиё устида бўрон» номи бадий фильмлар ана шу кинополотнонинг дастлабки серияларидир.

Янги спорт мастерлари

Яқинда СССР спорт жамоатлари ва ташкилотлари Союз Маркази Совети Бутунитифоқ ягона спорт классификацияси нормативини бажаришга учун республикамизнинг бир гуруҳа спортчиларига «СССР спорт мастери» деган фахрий унвон берди. «Меҳнат» кўнглини спорт жамоати сузувчилари Ю. Глиньский, Н. Устинов, А. Руденко, А. Терещенко, спартакчи Т. Старинков, оғир атлетикачи А. Павлов, А. Ўлдошев, полков И. Очидиев, найзабошчилар Г. Хасанов, Л. Терченко, В. Терентьев, енгил атлетикачилар В. Урманов, А. Нормурадов, Н. Канделло, шахматчи Е. Мухин, байдарка ва каноэ шувчилар В. Петрушина, Л. Хавочук ва бошқа спортчилар озуларига эришдилар. Ҳаммаси бўлиб 34 киши спорт мастери бўлди.

«Динамо» кўнглини спорт жамоати вакили, кўнгличи Е. Колтунов ва «Спартак» жамоати аъзоси классик курашчи Б. Амашкенилар «СССРнинг фахрий спорт мастери» бўлишди.

ПОЛИТОТДЕЛ'НИНГ ХАЛҚАРО УЙИНЛАРИ

«Политотдел» колхоз футболчилари мавсум мусобақаларини тугатган. Болгарияга халқаро ўртоқлик учрашуларини ўтказиш учун жауаб кетишган эди. Кун кеча хушхабар келди.

Областимиз футболчилари болгар элида жаҳи учта ўйин ўтказишди. Биринчи ўйин Димитровград шаҳар командаси билан бўлди. Бу матч 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Колхоз спортчилари ўзларининг иккинчи учрашувини ҳамкасблари Яблочево колхоз футболчилари билан ўтказишди. Иккинчи ўйин ҳам колхоз командаси бахс иштирокчиларда катта қизиқиш тугатди. Ўзбек футболчилари 7:1 ҳисобидеа ғалаба қозондилар. Майдон агалари дарвозасига тўпларни Маженкулов (учта) Д. Ан (иккита), Малиновский ва Чистяковлар киритишди.

Сўнгги учинчи ўйин «Димитров Капеев» командаси билан бўлди. Бу учрашув ҳам биринчисидагидек 1:1 ҳисобида тугади.

ТОШКЕНТНИНГ ЭНГ КЕКСа ШОФЕРИ

Бу шофер рулига ўтирган пайтдан бери «Форд», «Газик», «Эмка», «Зис», «Шевроле», «Виллис», «Победа», «Волга» сингари машиналарни қайтади. Булар бир шофернинг таржиман хоти учун чакис эмас.

У йўлда рўй берган бирор кўнглинэ ҳодисани гапириб бера олмайдиган биринчи шофер десам, илғишмайман. Ўттиз етти йил мобайнида у қандай йўллардан юрмади, дейсиз, лекин қанча эсламасин, бирор нохуш ҳолати ёдига келтира олмайди.

— Ҳеч бўлмаса... ҳалиги, синларда бўлади-ку, айтайлик, машиналарнинг бир-бирига ўришиб кетадиган, ёки бир-бирига суйкашиб қирилиб кетган ёки бирор бошқа ҳодисани ҳам эслай олаймизми?

Бирор мақтанчў одам бўлганида, энг қаттис пайтда рулни қандай қилиб бўриб юборганини, фалокат рўй беришига бир метр қолганида машинани тўхтаиб қолганини талвара бошлаган бўлар эди. Шоферларнинг таҳлилини ишда совуққонлик ва оптимизм сингари ҳавас қилса арийдиган фазилатлар билан

мақтаншиш албатта ўринли. Лекин бу одам бўлса ҳамма саволларга бир хил:

— Йўқ, — деб жавоб беради.

У ўз сўзларининг исботи учун ўрпақ кўрсатган шоферларга берилувчи «авариясиз ишлаганлик учун» биринчи даражали значотини «аълочи шоферга» деган талонини кўрсатди. Унинг 30-йилда, ишга кирган пайтда олган шоферлик ҳуқуқи ҳали шу пайтгача битта ҳам «тешик» кўрган йўқ.

Ўзининг йилдан, дедик, Чиндан ҳам Ҳожинабар Аҳмадхўжаев Тошкентдаги енгил машина ҳайдовчиларнинг энг кексасиники? Лекин буни аниқлашдан аввал шофернинг туғилган йилга эътибор бердим. У 1903 йилда туғилган.

Йўқ, мени Ҳожинабар аканинг чекраси ҳеч шунча ёшга кирганга ўхшамаслигига ажабланганим йўқ. Кексалигини писанд қилмайдиган кишилар юртюзмизда кам дейсизми? Лекин олтимиш тўрт ёшда ҳар кун ишга йўл босиб учун врачларнинг алоҳида

трафлари жуда кенг раван кўчалардан иборат. Ўша вақтлар, 30-йилда эса кўча деган тўшувчаннинг ўзи ҳам бошқача эди. Ўқир-чўқир, қишда балчиқ ёзда туяроқ макони бўлган эгри-бугри тор кўчалардан арава зўрга ўтар эди.

Ўз ўзидан равшанки, шоферликка энг яхши одамлар танлаб олишарди. Бу тариқа Ҳожинабар ака ҳам шоферликка олиниди. Қамбағал деҳқоннинг ўғли Ҳожинабар йигирманчи йиллар бошида триклинк ўтказиш учун Тошкентга келиб, аввал трамвайда кондуктор бўлиб ишлаган, кейинроқ трамвай ҳайдади. Уни шоферлар тайёрлаш курсига ана шу «Таштрав»дан олишган эди.

Ҳожинабар ака ўз устозини Николай Васильевич Головинкодан жуда миннатдор. Головинко унинг устозини ва оғасин эди. У Аҳмадхўжаевга ўша вақтда энг камчилик касбия ўргатиб, бир йилгача шу машинада сменадош бўлиб ишлаган.

Собир Расулов ва Еқуб Аҳмаджоновлар ҳам Аҳмадхўжаев билан бир пайтда шофер бўлганлар. Уларнинг ҳар иккиси ҳозир лири-бадавлатлик гаптини сўриб юришибди. Ҳожинабар ака эса ҳали ҳам рулда. У ўз умрини да кўп нарсаларни кўрди, турли топириқларини бажариб. Ў, бутун Ўзбекистоннинг биринчи оқсоқоли Ўлдош Оқунбобоев билан бирга республикани кезиб чикгани асло эсдан чиқмайди.

Кекса шофер ҳозир ишга билан жашугу? У шофилниқ почта ташинди. У эрталабдан кечгача зўр ғайрат билан меҳнат қилиб кечкурун уйда набираларнинг атрофига тўплаб ҳорлиқ чиқаради. Унинг 12 набираси бор. Набираларнинг тўнғичи юристликка ўқимокда, иккинчиси инженер бўлмоқда. Лекин Аҳмадхўжаевнинг шоферлик сулоласини ким давом эттиради.

Унинг эллик нафар шогирдин бор. Ана шу кишилар ҳамма 64 йашар шофердан машинага меҳр қўйишни, уни беуқсон ҳайдашни ва камтаринлигини ўргатиш билан Тошкент шоферларнинг ҳаммаси унинг ворисларидир.

Е. МАНОВРОВ.
(ЎЗТАГ мухбири).

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ОКтяБРНИНГ 50 йИЛЛИГИНИ БАЙРАМ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАМАКО. (ТАСС). Малида Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини байрам қилиш давом этмоқда.

Шу кунларда кўпгина давлат муассасалари ва ташкилотларида Мали-Совет ўқитлиги кечалари бўлиб ўтди. Ешлар ва спорт ишлари комиссиясиди спорт саройида катта кеча ўтказди. Мали халқ революцион армиясининг бош штаби Октябр байрами шарафига Кати шаҳрида катта қабул маросими ўтказди.

Совет қитоблари, эстамп, почта маркалари ва фотосуратлари намойиш қилинган катта выставкани минглаб майликлар бориб кўрдилар. Выставкага келган кишилар ўз таассуротларини «ёзиб қолдирадиган дафтаридеа жуда яхши фикрлар билдирилган ўнлаб ёзувларни кўриш мумкин.

КПСС Марказий Комитети Судан Иттифоқига туҳфа тариқасида яқинда топишган олий партия мактаби биносидеа бошланган совет киноси ҳафталиги «Октябр» фильмининг намойиш қилиш билан тугалланди. Олий партия мактабидеа Улуғ Октябр социалистик революциясининг халқаро аҳа

АННЕКСИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДАН БОРИЛМОҚДА

ПАРИЖ. (ТАСС). Франс-пресс агентлигининг мухбири Тель-Авивдан хабар беради: тез орада профессионал дипломат Моше Сассун Исроил бош ми-нистрининг оккупация қилинган территориялар ишлари билан шуғулланувчи вакили деб аталган янги лавозимга тайинланди. Оккупация қилиб олинган территорияларнинг бошқариш масъулияти шу вақтгача мудо-фаа министри Моше Даянга юкляб қўйилган эди. Энди Сассун бош ми-нистрининг бу ишни бошқаришда «кўз ва қулоғи» бўлиб хизмат қилади.

Бу лавозимга Сассун танлаб олиналигининг сабаби шунки, у Исроил билан Араб мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда икки ўртадаги мамлакат ролини бажариш лозим бўлган «фаластин давлати», деб аталган давлат тузишга «икхлос-манд» бўлиб ўзини кўрсатиб келмоқда, эди.

ХАВФИ ПЛАВЛАР

БОНН. (ТАСС). «Франкфуртер алгемайне» газетаси хабар беради: Германия Федератив Республикаси ҳарбий ҳаво кучларининг «Старфайтер» реактив самолётлари билан қуролланган ўнта эскадрасидан етти-таси «атом зарбалари бериш учун доимо тайёр ҳолда турган.

Германия Федератив Республикаси ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондонлиги, дейди газета, шу «атом эскадраларининг» шахсий состави «оқлатди методлар билан уруш олиб бориш» учун ҳам тайёргариланди. Ҳарбий Германия ҳарбий ҳаво кучлари составида ана шу мақсад учун мулкаланган «ФАТ-Г-91» реактив самолётлари эскадраси сони кўпайиб бормоқда, деб ёзади «Франкфуртер алгемайне».

ЗЎР МУВАФФАҚИЯТ

ЛОНДОН. (ТАСС). Лондондаги «Таймс» газетаси мақонда саводсизликни тўтатмоқ учун Совет Иттифоқининг ташкилотини ўргатишга даъват қилинмоқда. Газета, СССРнинг маориф соҳасидаги ютуқларини зўр муваффақият, деб ҳисобламоқда. Шу ҳафтада Лондонда бо-силлиб чиққан «саводсизлик: жаҳон проблемаси» деган китобнинг муаллифи Чарлз Жеффриснинг мақоласи газетда эълон қилинди.

«Революцияга қадар, дейилади шу мақолада, Россия аҳолисининг 85 проценти саводсиз эди. Саводсизликни батамом тугатишни янги ҳукумат биринчи даражадаги вазифа, деб билди. Бу вазифани бажаришга йигирма йил вақт кетди, ва натижада қўйилган вазифа бажарилиди ва энди биз унинг натижаларини кўриб туришмиз». Ёлланга саводсизликка эришган мамлакат, деб ёзади Жеффрис, социал, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда дарров янги босқичга кўтарилади.

Мақолада айтилишича, ҳозир ер юзидеа катта ёшда бўлган аҳолидан 700 миллион ишчи ўқиб ва ёзишни билмайдди. Бундай саводсиз кишилар ҳар йили камидеа 30 миллион нафар кўпайиб турибди, дейилади мақолада.

ХАВФИ ПЛАВЛАР

БОНН. (ТАСС). «Франкфуртер алгемайне» газетаси хабар беради: Германия Федератив Республикаси ҳарбий ҳаво кучларининг «Старфайтер» реактив самолётлари билан қуролланган ўнта эскадрасидан етти-таси «атом зарбалари бериш учун доимо тайёр ҳолда турган.

Германия Федератив Республикаси ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондонлиги, дейди газета, шу «атом эскадраларининг» шахсий состави «оқлатди методлар билан уруш олиб бориш» учун ҳам тайёргариланди. Ҳарбий Германия ҳарбий ҳаво кучлари составида ана шу мақсад учун мулкаланган «ФАТ-Г-91» реактив самолётлари эскадраси сони кўпайиб бормоқда, деб ёзади «Франкфуртер алгемайне».

АМЕРИКА ГЕНЕРАЛИ ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА ҲАЛОҚ БЎЛДИ

НАСЮ. ВОРК. 14 ноябрь. (ТАСС). Бутун Жанубий Вьетнамда демилитаризация қилинган зона районидеа учиб бораётган вертолёт портлаб кетди. АҚШ денгиз пилоти қўшниларининг Вьетнамдаги урушда катнашаётган учинчи дивизиясининг командири генерал-майор Хохмут шу вертолётда учиб бораётган эди.

Ассошиейтед Пресс агентлиги мухбирининг Сайгондан

ПОИФАЗЛЧИЛАР САНЪАТ САРОИДА

20, 21, 22 ва 23 ноябрларда Бошқирдистон АССР да хизмат кўрсатган артистка Фарида Кудашева Бошқирдистон АССР халқ артисти Бахти Гасин РСФСРда хизмат кўрсатган артист ва Бошқирдистон халқ артисти Меоҳаммад Ирисов артистка ГОЛСАМ ХАБИБУЛЛИНА ва бошқалар ижросида КОНЦЕРТ

Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.



ЮГОСЛАВИЯ. Бая-Лукда қурилган янги турар-жой бинолари. ТАНОЮ—ТАСС фотоси.

ИОРДАНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ЮНЕСКОГА МУРОЖААТИ

АММОН. (ТАСС). Иордания ҳукуматининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилотига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКОГА) нота юбориб, Ҳарбий Иорданиянинг Исроил агрессорлари оккупация қилиб олган территориясидеа қолган тарихий ёдгорликларни сақлаб қолмоқ учун бу ишга дарров аралашиниш илтимос қилди.

Нотад Исроил оккупациячилари қадимий ёдгорликларни ўғирлаб кетаётганликларини

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ (ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА) — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор ўринбосарлари — 835885, 836232, Массул секретарь — 834808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936, Саноят, транспорт ва курилиш бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — 835811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юрталари бўлимлари — 839050, Совет нурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, Халтар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142, Коммутиатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билрашган нашринининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.